



20 20 йил "12" Март № 505

Ўзбекистон тумани "Ғаниобод" ММТП ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонларидан "Усмонжон боғи" фермер хўжалигига боғдорчилик ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер участкасини узоқ муддатли ижарага фойдаланишга ажратиб бериш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9-январдаги 14-сонли ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларига асосан "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш" бўйича ишчи гуруҳининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг 2019 йилдаги хулосалари ҳамда "Усмонжон боғи" фермер хўжалик раҳбари Р.Усмоновнинг 14.10.2019 йил №13/4-сонли аризаси асос учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги захирасидаги "Ғаниобод мадāt" ММТП ҳудудидаги №1408қ-115-1565қ-1554-1553-1295-1296-1294-1293-1292-1290-1217-контурлардаги жами 24.80 га. шундан 23.46 га. экин ери, 0.38 га. Йўллар, 0.96 га ариқ-зовурлар эгаллаган ер майдонлари Боғдорчилик ихтисослашувида фермер хўжалиги ташкил этиш учун "Усмонжон боғи" фермер хўжалик раҳбари Р.Усмоновга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2019 йил қишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган харажатларини инobatга олсин, у билан контрактация, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари қисқа муддатда амалга оширилишини таъминлансин.

5. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида қишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорга асосан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий хужжатларни расмийлаштириб бериш туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи С.Қурбоновга юклатилсин.

7. Қуйидаги қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашини навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.




8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими




Қ.Джураев

Ўзбекистон тумани Ганиобод ММТП худудидан "Усмонжон боғи" фермер хўжалигига ажратилаётган ер майдонини харитасидан кўчирма



КОНТУРЛАР ҚАЙДНОМАСИ

Контур рақами	Умумий ер майдони га	боғ	Экин тури		
			Арик-зовур	йўллар	бошқа
1408к	2,6	2,5	0,1	0,1	
115	3,1	3	0,05	0,05	
1565к	1,1	1	0,05	0,05	
1554к	0,43	0,39	0,04		
1553к	2,26	2,03	0,2	0,03	
1295к	2,76	2,68	0,01	0,01	
1296к	2,74	2,57	0,15	0,02	
1294к	2,56	2,41	0,13	0,02	
1293к	1,19	1,1	0,03	0,02	
1292к	1,43	1,33	0,09	0,01	
1290к	1,33	1,25	0,06	0,02	
1217к	3,3	3,2	0,05	0,05	
8	24,80	23,46	0,96	0,38	0,00

Туман Ер ресурслари ва Давлат кадастри
бўлим бошлиғи  С.Курбонов

Бажарувчи

М.Муродалиев

